

БЎЛАЖАК ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ АХБОРОТ-ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тўраев Сирожиддин Жўрақобиллович,
Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Қарши филиали “Табиий фанлар”
кафедраси доценти, п.ф.ф.д (PhD), доцент.
e-mail: turaev_sj@mail.ru; tel: (+99890) 442-74-89

Аннотация: Мазкур мақолада кластерли таълим муҳитида профессионал таълим йўналишлари талабаларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш, услубий ва ахборий-дидактик таъминотини такомиллаштириш асосида уларни касбий фаолиятга комплекс тайёрлаш методикасини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: концептуал, кластерли муҳит, касбий компетентлик, рақамли технологиялар, мултимедияли, бинар маърузалар, симуляция, гуруҳ модератори, таълим траекториялари, инновацион таълим.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ КОМПЛЕКСНОЙ ПОДГОТОВКИ СТУДЕНТОВ К ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Тураев Сирожиддин Журақобиллович,
доцент кафедры «Естественные науки» Каршинского филиала ТУИТ имени
Мухаммеда аль-Хорезми, к.п.н (PhD), доцент.
e-mail: turaev_sj@mail.ru; тел: (+99890) 442-74-89

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы определения педагогических условий подготовки студентов профессионального образования к профессиональной деятельности в кластерной образовательной среде, совершенствования методики их комплексной подготовки к профессиональной деятельности на основе совершенствования методического и информационно-дидактического обеспечения.

Ключевые слова: концептуальная, кластерная среда, профессиональная компетентность, цифровые технологии, мультимедиа, бинарные лекции, симуляция, модератор группы, траектории обучения, инновационное обучение.

IMPROVING THE METHODOLOGY OF COMPLEX PREPARATION OF STUDENTS FOR PROFESSIONAL ACTIVITY

Turaev Sirojiddin Jurakobilovich,
associate professor of department " Aesthetic science" Karshi branch of TUIT
named after Muhammada al-Khwarezmi, (PhD), associate professor.
e-mail: turaev_sj@mail.ru; phone: (+99890) 442-74-89

Annotation: *This article discusses the issues of determining the pedagogical conditions for preparing students of professional education for professional activities in a clustered educational environment, improving the methodology of their complex preparation for professional activities based on the improvement of methodological and informational and didactic support.*

Key words: *conceptual, cluster environment, professional competence, digital technologies, multimedia, binary lectures, simulation, group moderator, learning trajectories, innovative learning.*

Кириш

Дунё миқёсида рақамли технологияларининг ривожланиш индекси (ICT Development Index) бўйича етакчилик қилиб келаётган давлатларнинг педагогик тажрибаларига асосан талабаларни касбий фаолиятига тайёрлаш муҳим ўрин тутди. Жумладан, профессионал таълим йўналишларида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини таъминлаш, услубий ва ахборий-дидактик таъминотини такомиллаштириш, касбий фаолиятга тайёрлашнинг концептуал методик тизим моделига асосланган дидактик моделини ишлаб чиқиш, профессионал таълимнинг кластерли муҳитида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини ва механизмини такомиллаштириш, талабаларни касбий компетентлигини ва касбий фаолиятга тайёргарлигини ривожланганлик даражаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, олий таълим муассасаларида профессионал таълим йўналиши талабаларини халқаро стандартлар даражасидаги касбий фаолиятга тайёрлашда рақамли технологиялар ва таълим методларидан самарали фойдаланиш орқали меҳнат бозори талабларига мувофиқ касбий компетентлигини ривожлантириш заруратини тақозо қилади.

Адабиётлар таҳлили

Мамлакатимизда замон талаблари асосида профессионал таълим жараёнини ташкил этиш, жумладан, олий таълим тизимида рақамли технологияларни жорий этиш орқали юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 январь 2022 йилдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги Фармонида «Ҳар бир фуқарога давлат ҳисобидан аниқ касб-ҳунарга ўқиш имкониятини яратиш. Касбга ўқитиш кўламини 2 баравар ошириб, жами 1 миллион нафар ишсиз фуқарони касб-ҳунарларга ўқитиш ва бу жараёнда нодавлат таълим муассасаларининг иштирокини 30 фоизга етказиш» муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур вазифалар ижросини таъминлашда илғор хорижий тажрибалар асосида профессионал таълимнинг кластерли таълим муҳитида олий таълим муассасалари талабаларининг касбий фаолият турларига комплекс тайёрлаш методикасини методологик ёндашувлар асосида такомиллаштириш заруратини тақозо қилади[1].

Мамлакатимизда профессионал таълимнинг шаклланиши ва ривожланиш жараёни, қонуниятлари ва тенденциялари ҳамда таълим олувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш муаммолари Р.Х.Джураев, У.И.Иноятов, З.К.Исмаилова, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, Ш.Э.Қурбонов, А.Р.Ходжабоев, Д.Ж.Шарипова, Ш.С.Шарипов, Э.Сейтхалилов, С.Қ.Қаххоров, Р.Д.Шодиев, М.Б.Уразова, О.А.Қуйсинов ва бошқа маҳаллий педагог олимлар томонидан тадқиқ этилган. Таълим жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланиш бўйича А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, Ф.М.Закирова, Ж.А.Ҳамидов, О.Х.Туракулов каби олимлар илмий-тадқиқотлар олиб борганлар.

Тадқиқот методологияси

Тегишли ўқитиш методини мақсадга мувофиқ танлаш ёки уларни бирлаштириш ўқитувчига талабаларнинг муайян хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқ дидактик вазифаларни ҳал қилиш имконини беради.

Маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини фаол шаклда ўтказишнинг айрим намуналарини кўриб чиқамиз[2].

Таҳлиллар ва натижалар

Муаммоли маъруза дарс бошида маълум бир муаммо ёки бир қанча муаммоларни белгилашни ўз ичига олади, бу маъруза давомида олинган билимлар асосида ҳал қилиниши керак. Шунингдек, таъкидлаш лозимки, маърузада қўйилган муаммолар талабалар учун қийинлик даражаси бўйича берилган бўлиши, уларнинг бевосита ривожланиш зонасида ётиши, ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятларини ҳисобга олиши ва янги материални ўзлаштириши учун аҳамиятли бўлиши керак [3].

Охирги йилларда кўпинча маърузаларнинг бу тури мултимедияли презентациялардан фойдаланилганда кузатилади, слайдларда барча энг муҳим нарсалар акс этади, шунингдек, видеомашғулотларни ўз ичига олади. Ва албатта биз компьютер технологиялари жадал ривожлантириш даврида вояга етган авлодга таълим ва табиия бераётганимизни унутмаслигимиз керак. «Бинар маърузалар» да муаммоли мазмундаги ўқув материаллари талабаларга нафақат ўзаро, балки аудитория билан ҳам икки ўқитувчи ўртасида жонли мулоқотда берилади. Таълим жараёнини ташкил этишнинг бу жуда кам учрайдиган шакли билан реал касбий вазиятларни, икки мутахассис томонидан турли нуқтаи назардан кўриб чиқилган назарий масалаларни муҳокама қилишни, масалан, назариётчи ва амалиётчи, муайян фикр тарафдори ёки рақибини симуляция қилиш мумкин ва ҳоказо [4].

Дарсларни ўтказишнинг камдан-кам учрайдиган интерфаол шакли олдиндан режалаштирилган хатолар (маъруза-провокация) билан тўлдирилган маъруза бўлиб, талабаларнинг касбий вазиятларни тез таҳлил қилиш, экспертлар, оппонентлар, тақризчилар сифатида ҳаракат қилиш кўникмаларини ривожлантириш ва тақдим этилган маълумотларга танқидий муносабатни шакллантириш учун мўлжалланган [5].

Маърузага тайёргарлик жараёнида ўқитувчи мазмуний, услубий ёки хулқий характердаги маълум бир хатоларни қўяди. Талабалар бу хатолар

рўйхати ҳақида фақат маъруза охирида билиб оладилар. Бундан ташқари, материални тақдим этиш давомида талабалар ҳам, ўқитувчилар ҳам йўл қўядиган энг кенг тарқалган хатоларни танлаб олиш керак, улар диққат билан яширинган бўлиши ва сиртда ётмаслиги керак. Бироқ, бу ўқитувчидан маъруза мазмуни бўйича фикран ва пухталиқ билан ишлаш, шунингдек, маъруза кўникмаларини юқори даражада билишни талаб этади[6].

Амалиёт шуни кўрсатадики, режалаштирилган хатолар билан маърузалар талабалар ўртасида юқори ақлий ва ҳиссий фаолликка сабаб бўлади, чунки улар илгари олинган билимлардан амалиётда фойдаланиш имконига эга, хатоларни якуний таҳлил қилиш жараёнида эса талабаларнинг назарий фикрлаши ривожланади.

Аниқ вазиятларни таҳлил қилган маърузада тингловчиларга оғзаки ёки жисмоний тажрибани намойиш этиш орқали ёки жуда қисқа видеоёзувда маълум бир вазият тақдим этилади. Унинг тақдимоти бир томондан жуда қисқа.

Маъруза типигаги машғулотлар аудитория дарсларининг 40 фоизидан ортиғини ташкил қила олмайди.

Демак, фаол ва интерфаол шаклларда ўтказиладиган ўқув машғулотлари вақти расман тартибга солинади. Бизнинг фикримизча, маъруза материаллари бўйича фаол ишларни ташкил қилиш учун ижтимоий тармоқлар (Telegram, Facebook, Instagram)дан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Гуруҳ модераторлари гуруҳ талабалари орасидан тайинланади.

Шу тариқа, биз аудиторияда вақтни тежаб, назарий материал бўйича ишларни дарсдан ташқари вақтга қўчиришимиз ва ўрганилаётган мавзунинг энг мураккаб ва муҳим нуқталарига эътибор қаратишимиз мумкин. Бундан ташқари, ўқув материални тақдим этишнинг бу шакли бакалаврларни ўқитишга индивидуал ва табақалаштирилган ёндашувни амалга ошириш имконини беради, яъни талаба мавзуни қулай идрок этиш учун зарур бўлган маъруза материални кўп марта кўриши мумкин[7].

Янги давлат таълим стандартларини қабул қилиш алоҳида қобилиятларни ҳисобга олиш ва олий таълим муассасасида ўқиш жараёнида нафақат факультатив курслар ёрдамида, балки физика каби мажбурий фундаментал фанлар доирасида ҳам ночизиқли таълим траекторияларини қуриш зарурлигини тақозо этади.

Хулоса

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, таълим траекторияларининг ўзгарувчанлиги, ночизиқлилиги тамойили талабаларни бундай траекторияни етарли ва мазмунли танлаш шарти билан етарлича катта, тўлиқ, сифат жиҳатидан ўзига хос ва жозибали вариантлар билан таъминлаш имкониятини акс эттиради. Бу тамойил таълимни индивидуаллаштиришнинг энг катта даражасини таъминлайди. Ушбу тамойилни амалга ошириш нафақат ўқув дастурининг ўзгарувчан қисмида факультатив курслар орқали, балки инновацион таълим технологиялари ёрдамида алоҳида модул ёки фан доирасида ўзгарувчанлик ва ночизиқлилиқни таъминлаш орқали турли хил таълим дастурларини яратиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли Фармони. Тошкент. 2019 йил 6 сентябрь, ПФ-5812-сон. <https://lex.uz/docs/4500926>.

2. Абдуқодиров А.А. ва бошқалар. Ахборот технологиялари. – Т.: Ўқитувчи, 2002. – 133 б.

3. Ашурова С.Ю. Енгил саноат соҳалари бўйича кичик мутахассислар тайёрлашда махсус фанларни модулли ўқитишнинг услубий асослари (“Тикувчилик ишлаб чиқариш” йўналиши мисолида): Дис. пед. фан. ном. – Т.: 2004. – 150 б.

4. Джураев Р.Х. Таълимда интерфаол технологиялар.–Т., 2010.- 87 б.

5. Исмоилова З.К. Талабаларнинг касбий педагогик малакаларини шакллантириш.: Автореф. дис. ... пед. фан. ном. – Т.: 2000. – 186 б.

6. Куйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари: Дис. докторлик(DSc)... автореферати– Тошкент: ТДПУ, 2019. – 38 б.

7. Turaev S.J. Methods of the using of software program Microsoft Excel in practical and laboratory occupation on physics, *Scientific Bulletin of Namangan State University*: 2019.

8. Тураев С.Ж. [Формирование научно-практических навыков студентов с привлечением к научному проекту №1/1-Ф и применением технологий программирования](http://prepodavatel-xxi.ru/sites/default/files/10.pdf). Преподаватель XXI век. –М.: 2018.–с. 88-92. <http://prepodavatel-xxi.ru/sites/default/files/10.pdf>